

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02. РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

ПАРПИБАЕВА ДИНОРА АЮПОВНА

**СУРУНКАЛИ ВИРУСЛИ ГЕПАТИТЛАРДА ЖИГАРНИНГ
ФУНКЦИОНАЛ - МЕТАБОЛИК ЎЗГАРИШЛАРИНИ ДАВОЛАШНИ
ОПТИМАЛЛАШТИРИШ**

14.00.05 – Ички касалликлар

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ -2021

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации

Contents of dissertation abstract of doctor of science (DSc)

Парпибаева Динора Аюповна

Сурункали вирусли гепатитларда жигарнинг

функционал-метаболик ўзгаришларини

даволашни оптималлаштириш 3

Парпибаева Динора Аюповна

Оптимизация терапии функционально-

метаболических изменений печени при

хронических вирусных гепатитах 25

Parpibaeva Dinora Ayupovna

Optimization of therapy for functional

and metabolic changes in the liver in

chronic viral hepatitis..... 47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 51

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМий
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02. РАҚАМЛИ
ИЛМий КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

ПАРПИБАЕВА ДИНОРА АЮПОВНА

**СУРУНКАЛИ ВИРУСЛИ ГЕПАТИТЛАРДА ЖИГАРНИНГ
ФУНКЦИОНАЛ - МЕТАБОЛИК ЎЗГАРИШЛАРИНИ ДАВОЛАШНИ
ОПТИМАЛЛАШТИРИШ**

14.00.05 – Ички касалликлар

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ -2021

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.2.DSc/Tib413 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Тошкент тиббиёт академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.tma.uz) ва «ZiyoNeb» ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Каримов Маъриф Шакирович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Каримов Мирвасит Мирвасикович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Рустамова Мамлакат Тулабаевна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Сабилов Максуд Атабаевич
тиббиёт фанлар доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

Тошкент педиатрия тиббиёт институти

Диссертация ҳимояси Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги DSc 04/30.12.2019.Tib.30.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «2» июль соат 12 даги мажлисида бўлиб ўтди. (Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Фаробий кўчаси 2-уй. Тошкент тиббиёт академияси 1-ўқув биноси Мажлис зал. Тел./факс: (+99878) 150-78-25, e-mail: tta2005@mail.ru.)

Диссертация билан Тошкент тиббиёт академияси Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (72 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100109, Тошкент ш., Олмазор тумани, Фаробий кўчаси 2-уй. Тел./факс: (+99878) 150-78-14).

Диссертация автореферати 2021 йил «13» июль да тарқатилди.
(2021 йил «13» июль даги 4 рақамли реестр баённомаси)



А.Г. Гадаев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Д.А. Набиева
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

А.Л. Аляви
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор, академик

КИРИШ (докторлик (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Сурункали гепатитлар (СГ) тиббиёт фани ва соғлиқни сақлаш амалиётининг доимий диққат марказида туради. Ушбу касаллик барча мамлакатлар иқтисодиётига жуда катта зарар келтиради. Расмий маълумотларга кўра сурункали вирусли гепатит билан касалланган бир беморни даволаш учун 10-15 минг АҚШ доллари сарфланади. Сурункали гепатитлар муаммоларига оид Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилотининг глобал стратегиясида баён этилган асосий масалалардан бири «...2030 йилга келиб гепатитлардан ўлим кўрсаткичи 65%га қисқартиришдан иборат...»¹. Жигарнинг сурункали диффуз касалликларни олдини олиш ва даволашда эришилган ютуқларга қарамадан, беморлар сони ва ўлим кўрсаткичларини мунтазам турғун ортиши кузатилмоқда. Вирус этиологияли жигар циррози ташҳиси қўйилгандан сўнг 5 йил ўтгач, беморлар орасида ўлим даражаси 70%га етади. Жигар циррози ва гепатоцеллюляр карцинома (ГЦК) каби сурункали гепатитлар асоратларини жигар трансплантацияси усули билан даволаш нафақат тиббий, балки ижтимоий-иқтисодий муаммо эканлигини белгилайди.

Жаҳонда жигар циррози ва ГЦК каби сурункали гепатитларнинг асоратлари ривожланишининг клиник-патогенетик ва генетик жиҳатларининг прогностик аҳамиятини баҳолашга йуналтирилган қатор илмий-тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада сурункали вирусли гепатит ташхисли беморларда жигар циррози ривожланишига метаболик омиллар таъсирини асослаш, сурункали вирусли гепатитлар ва жигар циррози ривожланган беморлар гуруҳида микроРНК-122 экспрессия даражасини молекуляр-генетик текширувлар орқали аниқлаш, сурункали вирусли гепатитлар асоратларининг ривожланиш хавфи маркери сифатида микроРНК-122 экспрессияси миқдори натижалари хавф гуруҳларини шаклантиришга ва башорат қилишга қаратилган прогностик маркер сифатида ташхислаш жарраёнида қўлланилиши алоҳида аҳамият касб этади.

Мамлакатимиз тиббиёт соҳасини ривожлантириш тиббий тизимни жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, аҳоли орасида турли даражадаги сурункали касалликлар тарқалишини камайтириш ва олдини олишга қаратилган қатор вазифалар юклатилган. «...Мамлакатимизда аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек, касалликларни эрта ташхислаш ва даволашнинг юқори технологик усуллари жорий қилиш, патронаж хизматини яратиш орқали, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва касалликларни олдини олиш...»² каби вазифалари белгиланган. Ушбу вазифалар сурункали вирусли гепатитлар (СВГ)нинг асоратлари бўйича беморларда клиник-патогенетик ва генетик жиҳатларини ташхислашда замонавий тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтариш ҳамда сифатли тиббий хизмат кўрсатишда замонавий

¹ World Health Organization. The top 10 causes of death.2020 update. Available from: <http://www.who.int> Accessed 2020.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги 5590-сонли «Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони

технологияларни кўллашни такомиллаштириш орқали касалликнинг асоратлари натижасидаги ногиронлик ва ўлим кўрсаткичларини камайтиришга хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги, 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон “Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармонлари, 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сон “Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017-2021 йилларда ихтисослаштирган тиббий ердам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертациянинг мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи³. Сурункали вирусли гепатитларда жигардаги функционал-метаболик ўзгаришларни самарали даволаш усулларини излаш бўйича кўплаб илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Бундай изланишлар дунёнинг қатор етакчи университетлари ва илмий марказларида, шу жумладан: Oxford University (АҚШ), University of Washington (АҚШ), University of California (АҚШ), Weill Cornell medical college of Cornell University (АҚШ), University of Pittsburgh cancer Institute (АҚШ), Department of public health Sciences (АҚШ); Medical Research Council (Буюк Британия); Сибирь Давлат тиббиёт институти, Кубан Давлат тиббиёт институти, Россия Халқлар дўстлиги университети (Россия), Тошкент тиббиёт академияси (Ўзбекистон).

СВГнинг оқибатлари бўйича беморларда клиник-патогенетик ва генетик жиҳатларининг прогностик аҳамиятини баҳолашнинг юқори самарадорлигига эришиш учун халқаро кўрсатмаларга мувофиқ вирусли В гепатити (ВВГ)ни даволашнинг асосий тамойили доимий равишда репликацияни бостиришдан иборат. Микроэлементлар жигар касалликларида муҳим аҳамиятга эга. Қатор муаллифлар (Н. Schmilovitz-Weiss, et al., 2019) томонидан ВВГни даволаш вақтида қондаги микроэлементлар концентрациясининг ўзгаришларини ўрганиш лозимлиги кўрсатиб ўтилган. 11 та микроэлементлар (марганец, кўрғошин, никель, хром, кадмий, темир, мис, рух, кумуш, кобальт ва алюминий) жигарнинг биопсия материалида (даволашдан аввал ва даволашнинг олтинчи ойида) индуктив боғланган плазмали масс-спектрометрия усулида амалга оширилган.

3 Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи: <http://oxford.university-guides.com>, www.washington.edu, <https://www.universityofcalifornia.edu>, <http://weill.cornell.edu>, <http://upci.upmc.edu>, <http://publichealth.med.miami.edu>, <https://www.mrc.ac.uk>, <http://www.ssmu.ru>, <http://www.ksma.ru>, <http://www.rudn.ru>, <http://patient.ncagp.ru>, <http://www.tma.uz> ва бошқа манбаалар.

Натижада касалликни эрта ташхислаш, даволаш ва профилактика бўйича қатор муҳим илмий ва амалий натижалар олинган. Cold Spring Harbor Laboratorium Press (Virzì, A., Suarez, A.A.R., Baumert, T.F., 2020) томонидан ўтказилган тадқиқотларга асосан СВГ яллиғланиш олди хужайра микромуҳитида яшовчанлик, пролиферация ва метаболизм механизмларини бузиб, жигар касалликларини индуцирлаши ҳамда уларнинг зўрайишини таъминлаши ҳақида фикрлар пайдо бўлган. Бевосита таъсир этувчи вирусга қарши дори воситалари (DAAs)дан фойдаланган ҳолда даволашда эришилган сўнгги ютуқлар СВГ билан оғриган 90% дан ортиқ беморларда касалликдан тузалиш имконини берди; СВГнинг оқибатлари бўйича беморларда клиник-патогенетик ва генетик жиҳатларининг прогностик аҳамиятини баҳолашнинг самарадорлиги исботланган (А. Х. Юсупов с соавт., 2019).

Дунёда СВГнинг оқибатлари бўйича беморларда клиник-патогенетик ва генетик жиҳатларининг прогностик аҳамиятини баҳолашни такомиллаштириш бўйича қатор, жумладан қуйидаги устувор йуналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: сурункали вирусли гепатит ва жигар циррози ташхисли беморларда микроРНК-122 экспрессия даражаси чегараларини молекуляр-генетик текширувлар орқали ривожланиш хавфи маркери сифатида прогнозлаш; хавф гуруҳларини шаклантириш, башорат қилиш ва мажмуавий даволашни асослашни такомиллаштириш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Дунёнинг қатор мамлакатларида ўтказилган кўп сонли тадқиқотлар жигар фиброзининг кечиши тавсифи, унинг ривожланиш тезлиги, ГЦКнинг юзага келишининг хавф омилларини прогнозлашда янги маркерларни излаш алоҳида аҳамиятга эга. R.G. Mihăilă ва ҳаммуалифлар (2019) фикрларига кўра, жигар циррозининг оғирлигини бугунги кунда ноинвазив йўл билан жигарнинг каттиқлигини ўлчаш орқали баҳолаш мумкин. Ушбу мақсадда вибрацион ўтувчи ва силжиш тўлкини эластографияси ёки магнит-резонанс эластография усулларида кенг фойдаланимоқда.

Шунингдек ушбу йўналишда геномика соҳасида катта истиқболлар очилмоқда. Умумий ишлар орасида бирнуклеотидли полиморфизмлар, эркин циркуляцияланувчи ДНК, эндосомал РНКлар ва уларнинг турли касалликлар патогенезидаги аҳамиятини ўрганиш муҳим ўрин тутди (Волошина Н.Б., 2018; Балмасова И.П., 2019). 2002 йилда микроРНК-122 (miR-122)ни кашф этилиши ушбу РНК кластерининг функционал хусусиятлари нуқтаи-назаридан гепатология соҳасидаги муҳим воқеага айланди (А.В. Баранов, 2009).

Аксарият ишларда сурункали В ва С гепатитлари, ГЦК, жигарнинг алкохолсиз ёғли дистрофияси каби жигарнинг турли патологиялари мавжуд беморларнинг алоҳида гуруҳларида miR-122ни ўрганиш натижалари келтирилган. Афсуски, ушбу маълумотларни таққослаш мураккаб бўлиб уларда турли референсли РНКдан фойдаланилган. Шу билан бирга, СВГ ва ЖЦда miR-122 миқдорини қиёсий таҳлил қилиш муҳим ҳисобланади.

Ҳозирда СВГда фиброзни эрта ташхислаш ва кечишини барқарорлаштириш муаммоси ўта долзарблигича қолмоқда. Уни ўрганиш

зарурати СВГ асоратлар ривожланишининг юқори хавфи билан боғлиқ. Шунинг учун бу соҳада қонда айланиб юрган микроРНК-122 кўрсаткичларини аниқлаш жигар фиброзини баҳолашнинг аниқлигини оширади ва кейинги босқичлари стратификацияси учун даволаш жараёнида фойдаланиш мумкин. Мамлакатимизда СВГнинг оқибатларини ривожланишини башоратлашни янги инновацион усулларини ишлаб чиқиш ва амалиётга тадбиқ қилиш соғлиқни сақлаш тизимининг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади. Булар ёрдамида касалликнинг асоратлари келиб чиқиш хавфини ташҳислаш, компенсация даврини узайтириш, келиб чиқадиган эрта ногиронликнинг олдини олиш ва ўлим кўрсаткичларини камайтириш имкони яратилади.

Диссертация мавзусини тадқиқот бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент тиббиёт академиясининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №011800229 “Ички касалликларни ташҳислаш ва даволаш самарадорлигини оширишнинг янги йўллари қидириш. Профилактиканинг рационал йўллари” мавзуси доирасида бажарилган (2019-2022й).

Тадқиқот мақсади сурункали вирусли гепатитлар билан оғриган беморларда жигар фиброзини ноинвазив ташҳислаш ва даволаш усулларини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқот вазифалари:

сурункали вирусли гепатит ва жигар циррози мавжуд беморларда стандарт клиник, лаборатор, асбобий текшириш усуллари натижаларини баҳолаш;

сурункали вирусли гепатит ва жигар циррози мавжуд беморларда клиник, биокимёвий ва метаболик кўрсаткичлар орасидаги корреляцион боғлиқликни аниқлаш;

сурункали вирусли гепатит ва жигар циррози мавжуд беморларда ноинвазив ташҳислаш башоратлаш кўрсаткичи сифатида микроРНК-122 экспрессия даражасини аниқлаш;

сурункали вирусли гепатит мавжуд беморларда жигар фибрози ривожланишининг хавф мезонларини башоратлашни ишлаб чиқиш;

сурункали вирусли гепатит мавжуд беморларда функционал-метаболик бузилишларини даволаш усулларини такомиллаштириш.

Тадқиқот объекти сифатида 2018-2020 йилларда Республика ихтисослаштирилган эпидемиология, микробиология, юқумли ва паразитар касалликлар илмий-амалий тиббиёт маркази гепатология бўлимида сурункали вирусли гепатит ва жигар циррози ташҳиси билан шифохона шароитида даволанган 197 нафар беморлар олинган.

Тадқиқот предмети сифатида ультратовуш эластографияси (УТЭ), қон плазмасидаги микроРНК-122 экспрессия даражасини, қонда гепатит С вируси РНК ва гепатит В вируси ДНК полимераза занжири реакцияси (ПЗР) билан текширув натижалари олинган.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқотда клиник (умумий қон ва сийдик тахлили), биокимёвий (АЛТ, АСТ, ишқорий фосфатаза, умумий оксил, билирубин, ва унинг фракциялари, глюкоза миқдори, умумий холестерин,

триглицеридлар, паст зичликдаги липопротеинлар миқдори (ПЗЛМ), асбобий ультратовуш текшируви (УТТ), УТЭ, молекуляр-генетик (микроРНК-122 экспрессия даражаси) ва статистик усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйдагилардан иборат:

жигар фибрози ривожланиши хавфи бор беморларнинг текшириш стандартига молекуляр-генетик текшириш усуларини жорий қилиш ёрдамида касаллик асоратларининг ривожланишида генетик омилларнинг аҳамияти исботланган;

сурункали вирусли гепатит ва жигар циррозида фибрознинг ривожланиш ва авж олиш даражаси молекуляр-генетик хусусиятларининг клиник-биокимёвий, эластрография кўрсаткичлари билан боғлиқлиги аниқланган;

сурункали вирусли гепатит ва жигар циррози мавжуд беморларда микроРНК-122 экспрессия диапазони фиброз босқичларига боғлиқ равишда ўзгариши аниқланган;

сурункали вирусли гепатитларнинг асоратлари ривожланишида микроРНК-122 экспрессия даражасининг пасайиши прогностик маркер сифатида исботланган;

сурункали вирусли гепатитлар асоратлари сифатида жигар циррози ривожланишини башоратлашга асосланган даволаш усуллари такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари:

жигар фаолиятини баҳолашда молекуляр – генетик, клиник-биокимёвий ва асбобий тадқиқотлар натижалари муҳимлиги исботланган;

беморларда микроРНК-122 экспрессия диапазонининг тўрт хил даражаси сурункали вирусли гепатитлар ва жигар циррози ривожланишидаги ўрни асосланган;

микроРНК-122нинг вирусли гепатитлар асоратлари ривожланишида прогностик омилларнинг алоҳида аҳамиятга эга эканлиги баҳоланган;

сурункали вирусли гепатитларда асоратлар ривожланиш хавфи бор беморларнинг текшириш стандартига молекуляр-генетик текширувларни киритиш орқали касаллик асоратлари ривожланишини прогноз қилиш ва уларга комплекс даво режасини такомиллаштириш тавсия этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, етарли даражада материал танланганлиги, беморлар сонининг етарлиги, қўлланилган усулларнинг замонавийлиги, уларнинг бири иккинчисини тўлдирадиган клиник, биокимёвий, асбобий, молекуляр-генетик ва статистик усуллар асосида сурункали вирусли гепатитлар асоратларининг ривожланишининг прогностик баҳолашга ишлов берилганлиги, ҳалқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққосланганлиги, хулоса, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлаганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти сурункали вирусли гепатитларда асоратларнинг ривожланишига прогностик маркер сифатида микроРНК-122 экспрессия даражасининг муҳимлиги ва асоратлар ривожланиш хавфи бор

беморларни текшириш стандартига молекуляр-генетик усулларни киритилиши уларда асоратлар ривожланиш хавфини камайтиради, бу эса эрта ногиронлик, ўлим кўрсаткичларининг камайиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти қўлга киритилган натижалар асосида шаклланган амалий тавсияларнинг амалиётга татбиқ этилиши касаллик авж олишини секинлаштиришга ва асоратлар хавфини камайтиришга олиб келиши билан ифодаланиб, ушбу натижалар ёрдамида, содир бўлиши мумкин бўлган ўлим ва эрта ногиронликни ривожланишининг олдини олишга, шунингдек жигар фиброзининг кучайиши ва жигар циррозининг шаклланишигача бўлган даврни узайтиришга эришилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Сурункали вирусли гепатитларнинг оқибатлари ривожланишининг клиник-патогенетик ва генетик жиҳатларининг прогностик аҳамиятини баҳолаш натижалари асосида:

«Сурункали вирусли гепатитларда жигар фиброзини ташхислаш схемаси» услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 31 декабрдаги 8н-р/661-сон маълумотномаси). Мазкур тавсиянома сурункали вирусли гепатитларда жигар фиброзини ташхислашни такомиллаштириш имконини берган;

«Жигар фиброзини аниқлашнинг скрининг усули» услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 31 декабрдаги 8н-р/667-сон маълумотномаси). Мазкур тавсиянома сурункали вирусли гепатитларда скрининг усули орқали касаллик асоратларини ривожланишини эрта аниқлаш ва асоратлар туфайли келиб чиқадиган ногиронликнинг олдини олиш имконини берган;

«Сурункали вирусли гепатитларда жигар фиброзини даволаш алгоритми» услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 31 декабрдаги 8н-р/660-сон маълумотномаси). Мазкур тавсиянома сурункали вирусли гепатитларда самарали даволаш усулини танлаш, жигар циррозигача бўлган даврни узайтириш ва ўлим кўрсаткичларини камайтиришга имкон берган;

Сурункали вирусли гепатитларнинг асоратлари бўйича беморларда клиник-патогенетик ва генетик жиҳатларининг прогностик аҳамиятини баҳолашни такомиллаштириш олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш соҳаси амалиётига, жумладан, Тошкент тиббиёт академияси кўп тармоқли клиникаси, Республика ихтисослаштирилган терапия ва тиббий реабилитация илмий-амалий маркази ва Самарқанд вилояти Пастдарғом тумани тиббиёт бирлашмаси амалиётига татбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигини 2021 йил 31 мартдаги 8н-з/58-сон маълумотномаси). Олинган натижаларнинг амалиётга татбиқ этилиши, эрта ташхислашни, касаллик кечишини башорат қилиш, ўз вақтида келиб чиқадиган асоратларни олдини олишни муқобиллаштиришга, ҳамда беморлар ҳаёт сифатини яхшилаб, даволаш чора-тадбирларининг самарадорлигини ошириш имконини берган.

Тадқиқот натижалари апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 5 та илмий -амалий анжуманда, жумладан 2 та ҳалқаро ва 3 та республика илмий-

амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларини эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 29 та илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 12 та мақола, жумладан, 10 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, олтита боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 180 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асослаб берилган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ҳамда предметлари баён этилган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги келтирилган, илмий янгилиги, амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Сурункали вирусли гепатитларда жигарнинг функционал-метаболик ўзгаришларини даволашга замонавий ёндошувлар (адабиётлар шарҳи)”** деб номланувчи биринчи бобида жигар фиброзининг ривожланиши патогенезини асосий бўғинларига бағишланган тадқиқотларнинг назарий жиҳатлари таҳлил қилинган ва тизимлаштирилган, мавжуд замонавий ноинвазив ташҳисот усулларининг афзалликлари ҳамда камчиликлари баён этилган.

Диссертациянинг **“Материалнинг клиник тавсифи ва беморларни текшириш усуллари”** деб номланувчи иккинчи бобида клиник материалнинг умумий тавсифи ва қўлланилган текширув усуллари бўйича умумий маълумот берилган.

Ташҳис Anti HCV, HBsAg, этиологик агентини ва ПЗР усулида РНК HCV ДНК HBV кўрсаткичларини аниқлаш асосида қўйилди. Ташҳис қўйишда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2000 йил 30 октябрдаги 560-сонли буйруғига мувофиқ 1994 йилда Лос-Анжелесда бўлиб ўтган Ҳалқаро Гастроэнтерологлар Конгресси томонидан тавсия этилган сурункали гепатитлар таснифидан фойдаланилди.

Беморларни текшириш улар қабулхонага тушган вақтдан бошланди. Кўрик ўтказилди, анамнез йиғилди, касалликнинг оғирлик даражаси баҳоланди ва лаборатория текширувлари, умумий ва биокимёвий қон таҳлили, қон гуруҳи ва резус-омилни аниқлаш, УТТ, ЭКГ, кўкрак қафаси ва қорин бўшлиғи рентгенографияси, кўрсатмалар бўйича ёндош мутахассислар маслаҳатлари амалга оширилди. Лаборатория текширувлари периферик қоннинг гематологик текширувлари; биокимёвий кўрсаткичлар: умумий оқсил ва унинг фракциялари, билирубин, трансаминазалар, глюкоза миқдори;

қоннинг ивиш тизими ҳолатини аниқлаш; қон ва сийдикнинг умумий таҳлилин и ўз ичига олди. Барча лаборатория текширувлари стандарт усулларда амалга оширилди.

Қорин бўшлиғи аъзоларининг УТТ «MINDRAY DC-80, 21,5» аппарати ёрдамида ўтказилди. УТТ амалга оширишда меъда ости беши, жигар, ўт пуфагининг ўлчамлари ва акустик тузилмаси баҳоланди.

Ультратовушли эластометрия (жигарни фибросканерлаш) FibroScan®502 Touch аппарати ёрдамида жигар фибрози даражасини аниқлашнинг ноинвазив усулидан фойдаланилди.

Беморлар клиникага тушганда цитоллиз, холестатик синдром индикаторлари, оксиллар миқдорини аниқлаш каби қоннинг комплекс биокимёвий текширувлари ўтказилди, улар 1978 йилда 1052 – 1978 стандарти томонидан тасдиқланган ҳалқаро СИ бирлиги тизимида ифодаланди.

Қон зардобиди AntiHCV, HBsAg ни аниқлаш учун «ВЕКТОР-БЕСТ» ва «ДС» (Нижний Новгород) диагностика тўпламларидан фойдаланилди.

Молекуляр-генетик тадқиқот қон плазмасидаги miRNA-122 экспрессияси даражаси микроРНК ТақМан таҳлили протоколига мос равишда тескари транскрипция билан ПЗР усули ёрдамида аниқланди. Тотал РНК ишлаб чиқарувчининг кўрсатмаларига мувофиқ TRIZOL (Invitrogen, СА, USA) реагенти ёрдамида ажратиб олинди. РНК концентрацияси NanoDrop ND2000 спектрофотометри (NanoDrop Technologies, АҚШ) ёрдамида ўлчанди. Тескари транскрипция учун miScript Reverse Transcription Kit тўплами (QIAGEN, Германия)дан фойдаланилди. Етук miRNA-122 экспрессияси даражаси ишлаб чиқарувчининг тавсиясига мувофиқ miScript SYBR Green PCR Kit (QIAGEN, Германия) ёрдамида аниқланди.

Олинган рақамли маълумотлар Microsoft Office 2007 ва Statistica 6 (StatSoft Inc., АҚШ) дастурий таъминоти ёрдамида қайта ишланди.

Диссертациянинг «**Беморларда сурункали вирусли гепатитга мойиллик хавф омиллари, унинг патогенетик ривожланиш механизми**» деб номланувчи III бобида беморлар икки гуруҳга ажратилган, 1 гуруҳ сурункали вирусли гепатит ва 2 гуруҳ жигар циррози мавжуд беморларда клиник кечиши ўзига хос хусусиятларини ўрганишга бағишланган.


Тадқиқот давомида беморларнинг асосий шикоятлари қиёсий таҳлил қилинди ва уларнинг етарли даражада хилма-хил эканлиги аниқланди. Қовурға остидаги оғриқларга 1 гуруҳда 41 (29,9%) ва 2 гуруҳда 5 (8,3%) ($P < 0,001$ ва $RR = 0.71$) бемор шикоят қилди.

Иштаханинг пасайиши бўйича шикоятлар улуши 2 гуруҳ беморларида 1 гуруҳ беморларига нисбатан 66,7% юқори бўлди. Метеоризм фақатгина жигар циррози билан оғриган 13,3% беморларда қайд этилди, СВГ билан оғриган беморлар гуруҳида эса астения белгилари устунлик қилди 68 /49,6% ва 28 /46,7% $P > 0,05$ ва $RR = 2,07$. Қон кетиши, чап қовурға остидаги оғирлик ва озиш каби симптомлар жигар циррози билан касалланган беморлар учун хос бўлди (1- жадвал).

Текширув ўтказилган сурункали вирусли гепатит ва жигар циррози билан оғриган беморлар шикоятларининг ўзига хос хусусиятлари

Шикоятлар	1 гуруҳ (n=137)		2 гуруҳ (n=60)		RR	P
	абс	%	абс	%		
Қовурға остидаги оғрик	41	29,9	5	8,3	0,71	<0,001
Иштаҳанинг пасайиши	50	36,5	40	66,7	5,33	<0,001
Метеоризм	0	0,0	8	13,3	2,14	<0,01
Меъда диспепсияси	28	20,4	7	11,7	1,27	>0,05
Астения	68	49,6	28	46,7	2,07	>0,05
Қон кетиши	0	0,0	3	5,0	1,38	>0,05
Чап қовурға остида оғирлик	0	0,0	3	5,0	1,43	>0,05
Озиш	0	0,0	4	6,7	1,80	<0,05

Объектив кўриқда СВГ билан оғриган беморларда жигарнинг зичлашиши 43,8% ҳолатда, сариқлик – 19% ҳолатла аниқланди. ЖЦга чалинган 2 гуруҳ беморларида эса юлдузсимон телеангиоэктазиялар - 41,7%, жигарнинг зичлашиши - 26,75%, пальмар эритема - 13,3%, спленомегалия 10% ва асцит - 8,3% каби симптомлар энг кўп учради (1- расм).



1-расм. Объектив текширув маълумотлари

Объектив текширув маълумотлари ЖЦ билан оғриган беморларда 1 гуруҳ беморларига нисбатан жигар жароҳатининг тамғаси сифатида кафт эритемаси ишончли кўп учрашини кўрсатди. Спленомегалия, асцит портал гипертензиянинг намунали белгиси бўлди. Объектив текширувда СВГга

чалинган беморларнинг 43,8% да жигарнинг зичлашиши, 19% беморларда – сариклик каби белгилар ишончли кўп аниқланди.

СВГ билан оғриган беморларда 2 гуруҳ беморларга нисбатан склера ва терининг субэпителини юқори даражада тез-тез учраши холестатик синдромнинг ўзига хос хусусияти бўлиб, у жигар ичи холестази ҳолатлари билан боғлиқ бўлиши мумкин.

ЖЦ билан оғриган 2 гуруҳ беморларда энг кўп учрайдиган симптомлар – юлдузсимон телеангиоэктазиялар - 41,7%, жигарнинг зичлашиши - 26,75%, пальмар эритема - 13,3%, спленомегалия - 10% ва асцит - 8,3% аниқланди.

Биз текширилаётган беморлар ҳолатининг ҳар бир кўрсаткичи учун жигар инфицирланишининг нисбий хавфини ҳисоблаб (усул номи) чиқдик. Нисбий хавф юқори бўлган ҳолат ($RR>1$) шуни кўрсатдики, ўрганилаётган омилнинг мавжудлигида унинг йўқлигига нисбатан касалликни ривожланиш хавфи юқорилигини кўрсатди. Қиймати бирга тенг бўлган ($RR=1$) нисбий хавфда омил ва касаллик ўртасида алоқа мавжуд эмаслиги тасдиқланди.

Эпидемиологик анамнез маълумотлари таҳлили қуйидагилар касалликни юқиш йўллари бўлиб хизмат қилишини кўрсатди: оператив аралашувлар сабаби билан 1 гуруҳда 5 (3,6%), 2 гуруҳда 2 (3,3%) бемор аниқланди ($P>0,05$, $RR=1,12$). Энг юқори хавф стоматологик муолажаларда 1 ва 2 гуруҳларда мос равишда 10 бемор (7,3%) ва 10 бемор (16,7%) ($P>0,05$, $RR=2,89$), шунингдек, гинекологик аралашувларда 1 ва 2 гуруҳларда мос равишда 4 бемор (2,9%) ва 9 бемор (15%) ($P>0,05$, $RR=2,11$)да қайд этилди. Инфицирланиш манбаеси 1 гуруҳдаги 111 нафар (81%) ва 2 гуруҳдаги 36 нафар (60%) ($P>0,05$, $RR=1,61$) беморда аниқланмади, кўп ҳолларда улар СВГга чалинган беморлар эди.

Фиброз жараёнларини баҳолаш учун УТЭ, референс усул сифатида Fibroscan 502 (Echosens, Франция)дан фойдаланилди. Фиброз босқичига мос равишда ажратиш қуйидаги кўринишга эга бўлди. Биринчи гуруҳда беморларнинг энг кўпи фибрознинг F0 (3,5-6,0) босқичида бўлиб, уларнинг сони 52 нафарни ташкил этди, иккинчи гуруҳда ушбу кўрсаткичли беморлар кузатилмади. Иккинчи гуруҳда беморларнинг аксарияти фибрознинг F4 (20-24) босқичида бўлиб, уларнинг сони 36 нафарни ташкил этди (2- жадвал).

Умуман олганда, клиник белгилар фиброз босқичининг кучайиб бориши билан ошди, лекин кўп ҳолларда ўзгариб турди. Фибрознинг кучли босқичи билан беморларда астеник симптомнинг юқори даражада тез-тез учраши, эҳтимол, ҳам гепатоприв, ҳам психосоматик механизмларнинг ривожланганлигини акс эттиради (3-жадвал).

2- жадвал

Текширилган беморларнинг фиброз босқичлари бўйича тақсимооти

Кўрсаткичлар	1 гуруҳ (n=137)		2 гуруҳ (n=60)		RR	P
	абс	%	абс	%		
F0 (3,5-6,0)	52	38,0	0	0,0	9,15	<0,001
F1- F2 (6,5-8,3)	54	39,4	0	0,0	9,44	<0,001
F3 (9-20)	10	7,3	24	40,0	4,88	<0,001
F4 (20-24)	21	15,3	36	60,0	6,35	<0,001

3-жадвал

Ультратовуш эластометрия бўйича беморлар гуруҳларининг фиброз босқичига мос равишда клиник кўрсаткичлари тавсифи

Синдромлар	F0 (n=52)		F1-2 (n=54)		F3 (n=10)		F4 (n=21)	
	абс	%	абс	%	абс	%	абс	%
Астеник	3	5,8	16	18,6***	8	80,0***	21	100,0***
Диспепсик	2	3,8	9	16,7*	4	40,0**	13	61,9***
Оғрик	3	5,8	7	13,0	3	30,0	5	23,8
Сариклик	0	0,0	2	3,7	3	30,0*	10	47,6***
Геморрагик	0	0,0	0	0	0	0,0	11	52,4***
Портал гипертензия	0	0,0	0	0,0	0	0,0	6	28,6**

Изоҳ: * - фарқлар F0 кўрсаткичларига нисбатан аҳамиятли (** - P<0,01, *** - P<0,001);

Кейинги кичик бобда УТЭ бўйича фиброз босқичларига мос равишда клиник-биокимёвий кўрсаткичлар натижалари тақдим этилган. ЖЦ билан оғриган беморларда деярли барча биокимёвий синамаларнинг сезиларли ўзгарганлиги қайд этилди. Холестаза синдроми гипербилирубинемия ва ишқорий фосфатазанинг ошиши ҳисобига кузатилади, деб ўйлаймиз. Умумий оксил, альбумин миқдорининг камайиши ва тимол синамаси кўрсаткичларининг ошиши жигарнинг оксил синтезлаш функциясини пасайганлигидан далолат беради ва диспротеинемиянинг ривожланиши кўрсатади, бу эса жигарда ривожланадиган мезенхимал яллиғланиш синдромига тасдиқлайди. ЖЦда тромбоцитлар сонининг камайиши жигар-хужайра етишмовчилиги синдромига исботлайди.

ИМТ 1 гуруҳ беморларида назорат гуруҳи беморларига нисбатан ишончли фарққа эга бўлмади. СВГга чалинган беморларда метаболик кўрсаткичлар асосан референс қийматлар доирасида бўлди (4-жадвал).

4-жадвал

Сурункали вирусли гепатитда фиброз босқичига мос равишда биокимёвий кўрсаткичлар қийматлари

Кўрсаткичлар	F0 (n=52)	F1-2 (n=54)	F3 (n=24)	F4 (n=7)
АЛТ, Е/л	50,8±3,7	53,7±4,8	65,1±1,2***	88,2±2,1***
АСТ, Е/л	32,4±1,82	32,8±1,79	56,7±1,6***	75,7±1,8***
Умумий билирубин мкмоль/л	11,1±0,98	9,8±0,17	14,1±0,13**	12,96±0,27
Бевосита билирубин, мкмоль/л	3,97±1,61	3,54±1,27	3,92±0,28	5,96±1,1
ИФ, Е/л	59,4±1,67	64,12±1,61*	143,4±2,7***	90,1±1,7***
Умумий оксил, г/л	75,1±3,78	74,2±2,86	70,2±1,64	75,4±3,8
Альбумин, г/л	48,7±1,74	46,41±1,62	40,2±1,71***	37,8±2,14***
Тимол. синама, Бирл. S-Н	5,89±1,32	7,56±1,72	8,47±1,12	9,57±1,91

Изоҳ: * - фарқлар F0 кўрсаткичларига нисбатан аҳамиятли (** - P<0,01, *** - P<0,001);

Бироқ, 18% беморларда ТГ миқдорининг статистик ишончли ошиши кузатилди. Ўхшаш манзара ПЗЛП миқдори таҳлил қилинганда кузатилиб, 35%

ҳолатда уларнинг миқдори назорат гуруҳидаги ушбу кўрсаткичлардан анча юқори эканлиги аниқланди. Юқорида қайд этилганлардан келиб чиқиб, беморларнинг ўртача учдан бир қисмида ТГ, ПЗЛП миқдорининг ошиши кўринишида қоннинг липид спектри кўрсаткичларини бузилиши аниқланди, бу мазкур гуруҳ беморларида атероген хавфнинг мавжудлигини яққол кўрсатади. СВГда фибрознинг кучайиши метаболик бузилишларнинг ошишига олиб келади.

5- жадвал

Сурункали вирусли гепатитда фиброз босқичига мос равишда метаболик кўрсаткичлар қиймати

Кўрсаткичлар	F0 (n=52)	F1-2 (n=54)	F3 (n=24)	F4 (n=7)
ИМТ (кг/м ²)	23,56±1,8	21,7±1,4	29,8±2,41	26,2±1,35
Глюкоза, ммоль/л	5,43±0,11	4,72±0,12***	5,27±0,09	4,25±0,04***
ХС, ммоль/л	4,21±0,11	4,52±0,04**	4,35±0,36	3,41±0,14***
ТГ, ммоль/л	1,28±0,14	1,23±0,41	0,91±0,13**	0,94±0,03*
ЮЗЛП, ммоль/л	1,31±0,06	1,41±0,15	1,47±0,0,3	1,17±0,19*
ПЗЛП, ммоль/л	2,73±0,10	2,43±0,11**	2,48±0,07*	2,21±0,06***
ЖПЗЛП, ммоль/л	0,54±0,17	0,61±0,12	0,42±0,07	0,35±0,24

Изоҳ: * - фарқлар F0 кўрсаткичларига нисбатан аҳамиятли (** - P<0,01, *** - P<0,001);

Аксарият беморларда назорат гуруҳига нисбатан глюкоза миқдорининг пасайиши ҳамда ХС ва ЮЗЛП миқдорининг камайиши, ТГ концентрациясининг ошиши кўринишида қоннинг липид спектри кўрсаткичларини бузилиши ташхисланди. Кўрсаткичлар таҳлили биокимёвий кўрсаткичлар билан метаболик тестлар ва УТЭ маълумотлари бўйича жигарнинг зичлиги орасида ўзаро боғлиқлик мавжудлигини кўрсатди. Айниқса, триглицеридлар миқдорининг ошиши кўринишида метаболик кўрсаткичларнинг бузилишлари СВГга чалинган 28% беморда кузатилди. 2 гуруҳда метаболик бузилишлар гипогликемия, гипохолесте-ринемия, гипертриглицеридемия кўринишида намоён бўлди ва бу жигарнинг синтетик функциясини пасайиши натижаси ҳисобланади.

Диссертациянинг «**Жигар фиброзининг ривожланиш омиллари**» деб аталувчи тўртинчи бобида ЖФнинг ривожланиш тезлигига таъсир этувчи сабаблар ўрганилган. Барча беморларда касалликнинг маълум бир давомийлиги ва фибрознинг ривожланиш босқичига мос равишда фибрознинг ривожланиш даражаси (ФРД) ҳисоблаб чиқилди. Мазкур кўрсаткич фиброз босқичининг (балларда) касалликнинг давомийлигига (йилларда) боғлиқлиги сифатида жигарнинг УТЭ натижалари асосида аниқланди ва бу беморларни мос равишда 2 кичик гуруҳга ажратиб, СВГда фибрознинг кучайишини тезкор (10 йилгача) ва секин (10 йилдан кўп) суръатини ажратиш имконини берди.

Фиброз ривожланишининг юқори даражаси эркак жинси билан боғлиқ. ЖФнинг ривожланиб бориши билан турли хил функционал жигар тест-лари кўрсаткичлари ўзгаради, бу фибрознинг тўғридан-тўғри ва билвосита

маркерларини фибропанел таркибига киритилиши лозимлигини тушинтиради. Катта ёшдаги кишиларда жараённинг сурункалашуви ва кучайиши ушбу шахснинг касалликни қанча катта ёшда юқтирганлигига тўғридан-тўғри боғлиқдир. Жигар фиброзининг ошиши 40 ёшдан кейин касаллик юқтирган шахсларда тезроқ суръатларда амалга ошиши қайд этилди.

Фибрознинг кучайиши ва жигар циррозининг шаклланиши патологик жараён фаоллиги ошган ва жигарда некроз-яллиғланиш ўзгаришлари юқори бўлган кишиларда тез-тез учрайди. Шу муносабат билан, қон зардобдаги АлАТнинг меъёрий миқдори жигарда фиброз жараёнининг зўрайишини мавжуд эмаслиги билан асоциирланади, шу билан бирга АлАТнинг меъёр кўрсаткичларига нисбатан 1,5 марта ошиши жигар фиброзининг тез ривожланиши билан боғлиқ. Бундан ташқари, сурункали вирусли гепатитнинг давомийлиги билан жигар фиброзининг ривожланганлик даражаси ўзаро боғлиқ эканлиги ҳам аниқланди.

Фибрознинг ривожланиш тезлигига мос равишда метаболлик кўрсаткичларни таҳлил қилиш натижасида олинган маълумотлар фарқлар фақат глюкоза концентрацияси учун тегишлилигини, фибрознинг ривожланиш даражаси юқори бўлган гуруҳда ушбу кўрсаткич паст кийматларга эга эканлигини кўрсатди.

Диссертациянинг «**МикроРНК-122нинг эпигенетик бошқарилуви ва унинг жигар фиброзини кучайиши ва бартараф этилишидаги ўрни**» деб номланувчи бешинчи бобида микроРНК-122нинг экспрессияси миқдорини ўзгариши ўрганилган. miR-122 ролини ўрганиш учун умумий беморлар сафидан 32 нафари ажратиб олинди: улардан сурункали вирусли гепатит ташҳиси билан 17 (53,1%) бемор 1 кичик гуруҳни ва компенсирланган жигар циррози ташҳиси қўйилган 15 (46,9%) бемор 2 кичик гуруҳни ташкил этди. Генетик текширувлар Ўзбекистон Республикаси Гематология илмий-амалий тиббиёт марказининг молекуляр тиббиёт ва хужайра технологиялари лабораторияси базасида (раҳбар – т.ф.д., профессор Каримов Х.Я.) амалга оширилди.

Назорат гуруҳидан 10 нафар соғлом кўнгиллилар ажратиб олинди. Беморларнинг ёши 1 кичик гуруҳда 30 - 58 ёш (ўртача ёш - $41,5 \pm 6,8$), 2 кичик гуруҳда эса 31 - 60 ёш (ўртача ёши $31,5 \pm 6,8$ ёш)ни ташкил этди. МикроРНК-122 экспрессия даражасининг чегаралари қуйидагича: энг кам 0,001–0,14; 0,15 -1,05; 1,05 – 12,88 дан максимал даража >12,89.

Тадқиқот жараёнида МикроРНК-122 экспрессияси даражасининг жинс ва ёшга боғлиқлиги таҳлил қилинди ва бунда ишончли боғлиқлик аниқланмади. МикроРНК-122 экспрессияси даражасининг патологик жараённинг давомийлигига (хусусан, ЖЦ билан оғриган 2 гуруҳ беморларида) боғлиқлиги қайд этилди. 1 гуруҳ беморларида касалликнинг давомийлиги ўртача эркаларда - $5,7 \pm 3,2$, аёлларда $3,7 \pm 3,3$ йилни ташкил этди. 2 гуруҳ беморларида касалликнинг давомийлиги яққол ажралиб турди ва ўртача эркаларда - $6,8 \pm 1,8$, аёлларда - $3,8 \pm 2,2$ йилдан иборат бўлди. Беморларни miR-122нинг кам, ўртача ва юқори концентрацияси билан гуруҳларга ажратилиши зардобда miR-122нинг концентрацияси паст бўлган беморларда касалликнинг давомийлиги ушбу кўрсаткич юқори бўлган беморларга

нисбатан узокроқ бўлганлигини кўрсатди (6-жадвал).

6-жадвал

Сурункали вирусли гепатит ва жигар циррози билан оғриган беморлар гуруҳида miR-122 кўрсаткичлари частотасининг статистик фарқи (case-control модели)

miR-122 кўрсаткичлари	Текширилганлар гуруҳи				χ^2	P	RR	95% CI	OR	95% CI
	1 кичик гуруҳ n=17		2 кичик гуруҳ n=15							
	n	%	n	%						
0,001 – 0,14	1	5.9	4	26.7	1.3	0.3	4.5	0.57-36.22	5.8	0.57-59.31
0,15 -1,05	2	11.8	10	66.7	8.0	0.005	5.7	1.46-21.86	15	2.4-93.0
1,05 – 12,88	9	52.9	1	6.7	5.9	0.01	7.9	1.13-55.58	15.7	1.67- 148.1
>12,89	5	29.4	0	-	1.6	0.2	4.7	0.614-36.03	6.2	0.64- 60.93

1 ва 2 кичик гуруҳ беморларида miR-122нинг 0,001–0,14 диапазонида беморларнинг учраши частотаси орасидаги фарқлар мос равишда 5,9%га қарши 26,7%ни ташкил этди. Ушбу диапазонда асорат хавфларини аниқлаш эҳтимоли мос равишда 4.5 (95% CI 0,57 – 36,22) ва 5.8 (95% CI 0,57 – 59,31)ни ташкил этди. Бироқ, OR=5.8 ва RR=4.5нинг юқори кўрсаткичларига қарамай, фарқлар статистик аҳамиятсиз бўлди ($\chi^2=1.3$, p=0.3)

1 ва 2 кичик гуруҳларда miR-122нинг 0,15-1,05 чегарасида учраши частотаси мос равишда 66,7%га қарши 11,8%ни ташкил этди. Ушбу диапазонда асорат хавфларини аниқлаш эҳтимоли мос равишда 5,7 (95% CI 1.46-21.86) ва 15 (95%, CI 2.4-93.0)га тенг бўлди. OR=15 ва RR=5,7нинг юқори кўрсаткичлари фарқи статистик аҳамиятли бўлди ($\chi^2=8,0$, p<0.001). Ушбу чегараларда жигар циррозининг шаклланиш хавфини ошиши яққол намоён бўлди.

1 ва 2 кичик гуруҳларда 1,05–12,88 чегарасида беморларни учраши частотасидаги фарқлар мос равишда 6,7%га нисбатан 52,9%ни ташкил этди. Ушбу диапазонда асорат хавфларини аниқлаш эҳтимоли мос равишда 7.9 (95% CI 1.13- 55.58) ва 15.7 (95% CI 1.67- 148.1)га тенг бўлди. Бироқ, OR=15.7 ва RR=7.9нинг юқори кўрсаткичларига қарамай, фарқлар статистик аҳамиятли бўлди ($\chi^2=5.9$, p<0.01). Учинчи диапазонда RR деярли 8 марта, аниқлаш хавфи, яъни OR – 15,7 марта ошди. Ушбу ҳолатда, микроРНК-122 экспрессияси даражаси ва УТЭ маълумотларига кўра 4 босқичдаги фиброз орасида аҳамиятли ассоциация аниқланди.

1 ва 2 кичик гуруҳларда miR-122 >12,89 чегарасида беморларни учраши частотасидаги фарқлар мос равишда 0%га қарши 29,4%ни ташкил этди. Ушбу диапазонда асорат хавфларини аниқлаш эҳтимоли мос равишда 4.7 (95% CI 0,614 – 36,03) ва 6.2 (95% CI 0,64 – 60,93)га тенг бўлди. Бироқ, OR=6.2 ва RR=4.7нинг юқори кўрсаткичларига қарамай, ушбу фарқ статистик аҳамиятсиз эди ($\chi^2=1.6$, P<0,05). Эҳтимол, беморлар сонининг

ошиши билан фарқлар янада кучлироқ бўлиши мумкин эди. Шунингдек, микроРНК-122 экспрессияси даражаси диапазонининг беморлар кўриги, шикоятлари, клиник-биокимёвий ва эластометрия кўрсаткичлари билан ўзаро алоқаси ўрганилди. 1-2 диапазонда микроРНК-122 экспрессияси даражаси $0,14 \pm 0,04$ ни ташкил этди, ушбу кўрсаткичлар билан СВГ гуруҳида беморлар сони 1 нафарни ташкил этди ва бу ҳолатда натижалар аҳамиятсиз ҳисобланади.

ЖЦ гуруҳида беморлар сони 4 нафарни ташкил этди. Уларнинг барчаси эркак жинсига мансуб, ёши 50-57дан иборат, касалликнинг давомийлиги 5 йилдан кўп.

МикроРНК-122 экспрессияси даражасининг мазкур диапазонига киритилган беморларда АЛТ ($80,1 \pm 7,1$), АСТ ($71,2 \pm 5,8$), ишқорий фосфатаза ($61,3 \pm 1,3$), альбумин ($40,4 \pm 0,08$), тромбоцитлар ($113 \pm 4,97$) миқдори юқори бўлди. Билирубин кўрсаткичларида ўзгаришлар кузатилмади. Мазкур тоифадаги беморларда фиброэластометрия кўрсаткичлари F4 ($20,0-24,0$)ни ташкил этди.

2 диапазонда микроРНК-122 экспрессияси миқдори $0,15-1,05$ ни ташкил этди, СВГ билан оғриган беморлар гуруҳида ушбу кўрсаткичлар билан беморлар сони 2 нафарга тенг бўлди. ЖЦ гуруҳида беморлар сони 10 нафарни ташкил этди. МикроРНК-122 экспрессияси даражасининг мазкур диапазонига киритилган беморларда АЛТ ($80,1 \pm 7,1$), АСТ ($71,2 \pm 5,8$), ишқорий фосфатаза ($71,2 \pm 5,8$), альбумин ($32,4 \pm 0,08$), тромбоцитлар сони ($113 \pm 4,97$) юқори бўлди. Билирубин кўрсаткичларида ўзгаришлар кузатилмади. Мазкур тоифадаги беморларда фиброэластометрия кўрсаткичлари F3 ($9,0-20,0$)ни ташкил этди.

3 диапазонда микроРНК-122 экспрессияси миқдори $1,05 - 12,88$ ни, СВГ билан оғриган беморлар гуруҳида ушбу кўрсаткичлар билан беморлар сони 9 нафарни ташкил этди. ЖЦ гуруҳида беморлар сони 1 га тенг бўлди. МикроРНК-122 нинг ушбу диапазондаги беморларда АЛТ ($80,1 \pm 7,1$), АСТ ($71,2 \pm 5,8$), ишқорий фосфатаза ($71,2 \pm 5,8$), альбумин ($32,4 \pm 0,08$), тромбоцитлар ($113 \pm 4,97$) сонининг юқори кўрсаткичлари аниқланди. Билирубин миқдорида ўзгаришлар қайд этилмади. Ушбу тоифадаги беморларда фиброэластометрия кўрсаткичлари F2 ($6,5$)ни ташкил этди.

